

«MA'QULLANGAN»  
O'zbekiston Respublikasi  
Sog'liqni saqlash vazirligi  
huzuridagi Farmatsevtika tarmog'ini  
rivojlantirish agentligining  
«Dori vositalari, tibbiy buyumlar va  
tibbiy texnika ekspertizasi va  
standartlashtirish davlat markazi» DUK  
«30» iyun 2020 y. № 14

## ТИББИЁТДА ҚҮЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА “ГЕРБИОН® ПАСТИЛКИ ПЛЮЩА”

**Препаратнинг савдо номи:** “Гербион® пастилки плюща”

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** печак барглари экстракти

**Дори шакли:** пастилкалар

**Таркиби:**

1 пастилка қуйидагиларни сақлади:

*фаол модда:* печак баргларининг қуруқ экстракти (5–7,5:1)<sup>1</sup> - 35 мг.

*ёрдамчи моддалар:* изомалт (М тури) (E953), лимон кислотаси (E330), сукралоза (E955), карамел ароматизатори<sup>2</sup>, цитрус ароматизатори<sup>3</sup>, қалампир ялпиз барглари мойи.

<sup>1</sup> Печак баргларининг қуруқ экстракти (*Hedera helix L.*, аралиев оиласига мансуб (*Araliaceae*), *folium*). Доривор ўсимлик хом-ашёси микдорининг дастлабки экстрактнинг микдорига нисбати: 5-7,5:1.

Экстрагенти: 30% этанол (м/м).

<sup>2</sup> Карамель ароматизатори қуйидагиларни сақлади: табиий таъм-хушбўй модда (natural flavoring substance), таъм-хушбўй препарат (flavoring preparation), пропиленгликоль, сув.

<sup>3</sup> Цитрус ароматизатори қуйидагиларни сақлади: табиий таъм-хушбўй модда (natural flavoring substance), таъм-хушбўй препарат (flavoring preparation), бутил гурухи қўшилган гидроксианизол (E320).

**Таърифи:** Оч жигаррангдан жигаррангача бўлган ғадир-будур юзали четлари кесилган думалоқ пастилкалар. Сариқдан жигарранг рангача бўлган ҳамда оч доғлари бўлишига йўл қўйилади, ҳаво пуфакчалар ва четлари аҳамиятсиз нотекис бўлади.

**Фармакотерапевтик гурухи:** Шамоллаш ва йўтал белгиларини бартараф қилиш учун препаратлар. Балғам кўчирувчи препаратлар, йўталга қарши воситалар билан мажмуаси бундан мустасно. Оддий печак барглари.

**АТХ коди:** R05CA12.

### Фармакологик хусусиятлари

“Гербион® пастилки плюща” муколитик ва бронхоспазмолитик восита сифатида таъсир этувчи оддий печак баргларининг қуруқ экстрактини сақлади. Препарат балғамишини қовушқоқлигини камайишига ёрдам беради, балғам чиқарилишини енгиллаштиради ва йўтални тинчлантиради.

### Қўлланилиши

Нафас йўлларининг ўткир ёки сурункали яллиғланиш касалликларида балғам ажралиши билан кечадиган йўтални симптоматик даволашда қўлланилади.

### Қўллаш усули ва дозалари

**Катталар, ўсмирлар ва б ёйдан катта болалар:** 1 пастилкадан кунига 3 марта (кунига

печак баргларининг қуруқ экстрактини 105 мг га мос келади).

Пастилкани түлиқ эриб кетгунча оғизда шимиш керак. Пастилкани бевосита овқатдан олдин ёки овқат пайтида қабул қиласлик керак.

“Гербион® пастилки плюща” препарати билан даволаш даврида илик сув ёки чойнинг етарлича миқдорини истеъмол қилиш тавсия этилади, аммо пастилка шимилиши билан дархол эмас.

6 ёшгача болалар учун мазкур дори шаклида препаратни дозалаш имконисизлиги туфайли “Гербион® сироп плюща” препаратини қабул қилиш тавсия этилади.

Даволаш давомийлиги касаллик характери ва оғирлигига боғлиқ бўлади ва одатда 7 кунни ташкил қилади. Касалликнинг клиник белгилари йўқолганидан кейин яна 2 - 3 кун препаратни қабул қилиш тавсия этилади.

Ушбу препаратни қўллаш вақтида бир ҳафтадан ортиқ муддатда симптомларнинг сақланиб қолишида шифокорга ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

### **Ножӯя таъсиrlари**

Бошқа дори препаратлари каби “Гербион® пастилки плюща” якка ҳолатларда ножӯя таъсиrlарини чақириши мумкин.

Тез-тез ( $\geq 1/100$  дан  $< 1/10$  гача):

– кўнгил айниши, қусиш, диарея.

Тез-тез эмас ( $\geq 1/1000$  дан  $< 1/100$  гача):

– эшакеми, тери тошмаси, купероз ёки нафаснинг қийинлашиши, анафилактик реакция кўринишида намоён бўладиган аллергик реакциялар.

Аллергик реакциялар пайдо бўлиш ҳолатида препаратни қабул қилинишини тўхтатиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномада эслатиб ўтилмаган ножӯя реакцияларнинг пайдо бўлиш ҳолатида, илтимос, улар ҳақида шифокорингизга мурожат қилинг.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Фаол субстанцияга, аралиев оиласига мансуб бошқа ўсимликларга ёки препаратнинг ҳар қандай ёрдамчи моддаларига индивидуал юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Қабул қилишни бошлашдан аввал Сиз бирон бир доривор воситаларни қабул қилаётганингизни ёки яқин кунларда уларни қабул қилганингиз ҳақида шифокорга хабар беришингиз зарур.

Бошқа дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзаро таъсиrlар ҳақида маълумотлар йўқ.

### **Махсус кўрсатмалар**

Агар беморнинг ахволи даволашнинг 7 кунидан кейин яхшиланмаслик ҳолатида, ёки нафас олишнинг қийинлашиши, йирингли балғам, ёки ҳарорат кўтарилиши кузатилса шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Кодеин ёки декстрометорфан каби йўталга қарши воситалар билан биргаликда қўллаш мутахассис маслаҳатисиз тавсия этилмайди.

Зўрайиш босқичидаги меъда-ичак йўллари касалликлари бўлган пациентларга эҳтиёткорликка риоя этиш керак.

“Гербион® пастилки плюща” препарати изомальтозани сақлайди. Буни фруктозани ирсий ўзлаштираолмаслиги бўлган пациентлар инобатга олиши керак.

### **Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши**

Бирон бир препаратларни қабул қилишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиш зарур.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўллаш хавфсизлиги бўйича маълумотларнинг чегараланганлиги туфайли препаратни ушбу тоифа пациентларига қабул қилиш тавсия этилмайди.

### ***Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариши қобилиятига таъсири***

Препаратнинг автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсиrlари ҳақида хабар берилмаган.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Тавсия этилган дозалардан ошиқ дозаларни қабул қилиш мумкин.

*Симптомлар:* суткалик дозани икки мартадан кўп дозаларни қабул қилган, кўнгил айниши, қусиш, диарея, кўзгалувчанлик ҳолатлари кузатилиши мумкин.

*Даволаш:* симптоматик даволаш.

Ўтказиб юборилган қабулни ўрнини босиш учун пастилкаларни икки баробар дозасини қабул қилманг.

### **Чиқарилиш шакли**

Пастилкалар

8 таблеткадан ПВХ/ПЭ/ПВДХ фольгали ва алюмин фольгали блистерда.

1, 2, 3, 4 ёки 5 блистерлар тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойлаштирилади.

### **Сақлаш шароити**

25 °C дан юқори бўлмаган ҳароратда, намлиқдан ҳимояланган жойда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

### **Яроқлилик муддати**

2 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

### **Ишлаб чиқарувчи**

КРКА, д.д., Ново место, Шмаръешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения.

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили**

Ўзбекистон Республикасида «КРКА, д.д., Ново место» ваколатхонаси

Ўзбекистон, 100015, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 14.

Факс: +99878 150 10 44.

Тел.: +99878 150 28 28, +99878 150 29 29.